

Бахиллик қилувчилар

21:11 / 21.04.2017 4807

Қуръони Карим оятларини тиловат қилаётиб ушбу оят ҳақида ўйланиб қолдим.

هَلْ ضَفَّ نَمُّهُ لَلْأُمَمَاتِ أَمْ نَوْمُتْكَ يَوْمَ لَحُوبِ لِبَابِ سَأَلِ لَنَا نَوْمُ أَيَّ وَنَوْلَحْ بَيْ نِي دَلَا
أَمْ يَلَّأَبَادَعِ نَيْرِفَا كَلَلِ أَنْ دَتَّ عَ أَوْ

Улар бахиллик қиладиган, одамларни бахилликка буюрадиган ва Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни беркитадиганлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаганмиз. (Нисо 37)

Аввало менда бу оятдаги баҳиллар деб зикр қилинганлар кимлар деган савол пайдо бўлди ва аниқлик киритсам улар, баъзи муфассирлар таъбири билан айтилганда яҳудий ва мунофиқлар экан. Муслмонлар эмас албатта.

Шу ўринда қисқача бўлсада бахиллик нима деган саволга жавоб бериб кетсам. Бахиллик ўзида бор нарсани ўзига ўхшаш инсон зотига ундаги нарсага муҳтож бўлганида турли хил бохоналарни рўйқач қилиб, қизғаниб бермаслик.

Сўнгра бу тоифаларнинг бахилликлари қандай ва нималарда бўлганлигини излай бошладим. Тафсирларни ўқиб ўрганганимда: улар Аллоҳ таоло буюрган ишларда инфоқ қилишда бахиллик қилар эканлар. Масалан ота-онага инфоқ қилиш. Шунинг билан бир қаторда яқинларига, етимларга, мискинларга, қўшнилари ва ҳоказоларга эҳсон қилишда ҳам бахиллик қилар эканлар. Бу ишда Аллоҳнинг ҳаққини адо қилмас ва улар фақатгина ўзлари бахиллик қилибгина қолмай ўзгаларни ҳам бахиллик қилишга буюрар эканлар.

Улар Аллоҳ берган неъматларни яширар эканлар. Зеро, бахиллик Аллоҳнинг неъматларини инкор этиб, унинг натижасини яшириш, ейишда, ичишда, кийинишда, бериш ва сарф қилишда ҳам бахиллик қилишдир. Ҳақиқатда бахил инсонлар на ўзи учун кийинади на ейди ёки яшайди. Бу дунёда роҳат нима билмай ўтади. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бахилликни қоралаб шундай деганлар:

«؟لَخَبَلًا نَمُّ أَوْ دَاءٌ أَيْ وَ» : مَلَسُوهُ يَلْعَهُ لَلْأَبِي بِنِ لَلْأَقِ

Яъни: “Қайси дори борки у бахилликга даво бўлса?”.

ناك نم كله هناف ، حشلاو مكاياإ : ورمع نبا نع مكاحلاو دواو وبأ هاور اميف لاق
مهرمأو ، اوعطقف ةعيطقلاب مهرمأو ، اولخبف لخبلاب مهرمأ ، لخبلاب مكلق
«اورجفف روجفلاب».

Бошқа бир ҳадисда Абу довуд ва Ҳокимлар Ибн Амрдан қуйидагича ривоят қиладилар: «Бахилликдан сақланинглр. Чунки у сиздан олдингиларни ҳалок қилгандир. У бахиллик қилишга буюрди, бахиллик қилдилар. У алоқаларни узишга буюрди, уздилар. Фужурга буюрди, фужур қилдилар», деганлар.

Аллоҳ таоло бундай қабих феълли инсонлар учун охиратда хорловчи азоб таёрлаб қўйганмиз деб хабар бермоқда. Чунки бундай инсонлар Аллоҳнинг берган неъматларига шукур қилмайдиларда. Шукур қандай бўлади десангиз. Берилган неъматни ким томонидан берилганини тафаккур қилиш, уни ўз ўрнида ишлатиш ва берган зотга шукрини билдиришдир.

Оятнинг давомида бундай сифатли кимсаларни “кофирлар” дея, номлаган. Ҳақиқатда бу қабих ахлоқ кофирларникидир мусулмонларники эмас. Чунки “куфр” сўзининг маъноси “беркитиш, яшириш” дир. Бахил инсон эса, Аллоҳнинг неъматларини яширади, беркитади. Бу билан у Аллоҳнинг неъматларини инкор этади. Имом Термизий ва Ҳокимлар Ибни Амрдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

يلع هتمعن رثأ ىري نأ بحى ىلاعات ؤللا نإ : ورمع نبا نع مكاحلاو يذمرتلل هاور
«هذبع»

«Албатта Аллоҳ таоло берган неъматини ўша бандада зоҳир бўлишини яхши кўради».

Баъзи салафи солиҳ олимлар эса бу оятни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларини билиб туриб уни ошкор қилишни беркитган яҳудийлар ҳақидаги оят, шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло “Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаганмиз” деган деб, ҳам таъвил қилган эканлар.

Шу жойда ушбу оят ҳақидаги тафсирларни ўқишни тугаттимда, ўзимча хулоса қилишга киришдим. Бошида ўзимга бироз тасалли бердимда, ахир бу яҳудийларнинг қабих сифати ва улар ҳақида айтилган оят экан, бундан жуда кўрқиб кетма дедим. Бироқ, ўзимга шундай савол бердим: Яҳудийлар ким эди? Инсонми ё ҳайвон, ҳашоратми ё жомодот. Жавоб аниқ, улар ҳам инсон. Демак инсон бундай хатога йўл қўйиши мумкин экан, сен нима учун

хотиржамсан. Ёки ҳар мўминга бир фаришта ва бир шайтон яқин юради дейилгану, сенинг ёнингда ўша шайтон йўқми ёки у ҳам мусулмон бўлганми? Демак бу сифат умумий яъни инсон ҳаётида содир бўлиши мумкин иш экан. Шундай экан ҳаргиз сен бу сифат менда умуман бўлмайди деб хотиржам бўлма. Ҳаммамиз ҳам бу қабиҳ сифат бизда йўқ деб хотиржам бўлмайлик ва ҳаётимизда, тилимизда, жисмимизда бу сифатни бўлишига йўл қўймайлик.

Аллоҳ таоло бундай сифатли инсонларга уйимизни ҳам қабримизни ҳам қўшни қилмасин ҳамда бу қабиҳ ахлоқдан ўзимизни ва зурриётларимизни паноҳида асрасин. ОМИН!!!

“Кулол-Қўрғон” жоме масжиди ноиб имоми

Яҳё Убайдуллоҳ